

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. Азимов Х. Будда динининг Хитойга кириб боришида Марказий Осиёлик роҳибларнинг ўрни (Хитой манбалари асосида) 3
2. Абдухалимов Б., Мухаммадаминов С. О рампурском и ташкентском списках сочинения «Матла‘ ан-нуджум» Абу Хафса ан-Насафи 19
3. Муратов А. Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос 30 29
4. Fayzullo F. Amir Temurning fe’l-atvori va yosoqi ta’rifi (Hofizi Abruning “Zubdat at-tavorix” asari asosida) 39

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. Кочкарова Э. Источники по проблеме Российской системы образования в Туркестанском крае 59
2. Алимджанов Б. (История деятельности Верненского (Алматинского) филиала Русско-Азиатского коммерческого банка 71

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Султонов Ў.** Ўрта Осиё хўжаларининг сакраллашуви масаласига доир 85
2. **Кенжабоева Р.** Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида вақф қилувчининг вақф мулки устидаги ҳуқуқлари масаласи 97

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Comstock-Skipp J.** Can we really call it the “Bukhara School”? Sheybanid arts of the book in the 16th century..... 106
2. **Олимжонов Ҳ.** Тошкент оммавий кутубхонаси тарихи *(1870–1889 йиллар)*.....134

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Ҳамроева О.** Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам фи маъойир ашъор ал-ажам” асари тадқиқи..... 145

Абдуллаева М. Кичик адабий жанрларда анъанавий мотивлар таҳлили 154

ЯНГИ НАШРЛАР

1. **Раҳимжонов Д.** Нодир қўлёзманинг факсимиле нашри 172
2. **Бўриев О.** Истахрий. “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарининг ўзбек тилига таржимаси 176

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2025 йил 25 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

НАШРЛАРГА ТАҚРИЗЛАР

Д. Рахимджанов

Нодир қўлёзманинг факсимиле нашри

Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафийнинг (1068–1142) “Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум” (“Юлдузларнинг чиқиш жойи ва илмлар мажмуаси”) асарининг нодир қўлёзмаси узоқ йиллар давомида мутахассисларнинг диққат марказида бўлиб, у билан яқиндан танишиш кўпчиликнинг орзуси эди. Ушбу орзу мазкур қўлёзма факсимиле нашрининг амалга оширилиши билан рўёбга чиқди [5: 18–96].

Қомусий олим Абу Ҳафс Насафий ўрта асрларда илмнинг турли соҳаларида фаолият олиб борган мутафаккирдир. Унинг ёзган асарларининг умумий сони 100 дан ортиқ. Абу Ҳафс Насафийнинг “ал-Ақоид” асари ислом оламида машҳур бўлганлигидан унга Европа исломшуносларида қизиқиш катта эди. XIX аср биринчи ярмида тадқиқотчилардан В.Куретон (1808–1864) мазкур асарга бағишлаб, “Суннийлар диний таълимотининг устуни” [10: 1–78] номли тадқиқотини ёзди. Ўтган давр ичида исломга бағишланган қомуслар ва вақтли матбуотда Абу Ҳафс ҳаёти ва илмий ижоди ҳақида умумий характерга эга бўлган кичик мақолачалар чоп этиб турилди [12; 8: 426; 9: 757]. Олимнинг бир қисм асарлари мусулмон матбуотида нашр этилди. Уларда ноширлар Абу Ҳафс Насафийнинг ҳаёти, ижоди ва асарлари ҳақида маълумотлар берганлар [7: 62–65].

Кейинги йилларда Абу Ҳафс Насафийнинг алоҳида асарларига бағишланган диссертация ҳимоялари амалга оширилди. Жумладан, С.А.Муҳаммадаминовнинг “Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум” асари ва унинг Марказий Осиё ислом

илмлари ривожида тутган ўрни (XI аср охири – XII аср ўрталари)” номли диссертацияси олимнинг яна бир асарини атрофлича тадқиқ этишга бағишланди [4: 1–26]. Шунингдек, А.А.Аллоқуловнинг “Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари таҳлили” мавзусидаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси олимнинг ақида илми соҳасидаги асари ва унинг шарҳларини ўрганишга бағишланди [1: 1–52].

Абу Ҳафс Насафийнинг ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида сақланаётган “Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум” номли катта ҳажмдаги қомусий нодир қўлёзма асари бир қатор илм соҳаларига бағишланган. Ушбу асар ўрта асрлар таълим тизимига хос хусусиятларни ўзида акс эттирган. Унинг тўлиқ нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 1462-рақами остида сақланади. Унда 23 илм соҳаларига оид 56 та асар жамланган. Тўпламда олимнинг ҳозирги кунгача илмий доираларда маълум бўлмаган ва бизгача етиб келмаган деб ҳисобланган асарлари мавжуд. Шунингдек, унда Бағдод, Хуросон ва Мовароуннаҳр олимлари асарларидан қисқартмалар киритилган. Бу эса ушбу асар илмий аҳамиятининг қай даражада катта эканлигини кўрсатади.

Мазкур тўпламни кенг китобхонлар оммасига тақдим этиш Абу Ҳафс Насафий илмий-маънавий меросини тўлиқроқ ўрганиш, аллома аждодларимизнинг айрим бизгача етиб келмаган ва бугунги кунга қадар номаълум бўлиб келаётган асарларини аниқлаш, XI–XII асрларда Мовароуннаҳр маърифий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларни янада кенгайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, ватанимизнинг Қорахонийлар ҳукмронлиги даври (992–1211) таълим тизимида қўлланган дарсликлар тарихини ўрганиш, Марказий Осиёда мавжуд бўлган илмлар, ўқитиш услублари, маъруза матнларини тузиш каби масалаларни тадқиқ этиш, ўша давр жамиятидаги аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий фаолиятини назорат қилиш учун ишлаб чиқилган назарий ва амалий юридик қонунлар ҳамда ислом таълимоти ривожини (тасаввуф, калом, ҳадис ва ҳоказо) аниқлашда жуда фойдалидир.

“Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум” асари бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Бу асар илк бор академик

П.Г. Булгаков (1927–1993) томонидан ўрганилиб, унинг тўғрисида биринчи маротаба мақола эълон қилинган. У асарни ягона нусхада эканини таъкидлаб, унинг айрим кодикологик жиҳатлари ва таркибий тузилиши ҳақида маълумот беради. Тадқиқотда муаллиф асарнинг мўғуллар давригача бўлган Марказий Осиё маданий тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга эканини кўрсатиб берган. Аммо ҳали чуқур тадқиқотларга жалб этилмагани сабабли П.Г. Булгаков асарнинг таркиби, айрим мавзуларнинг илм соҳаларига таснифлаш, асар ёзилган санасини кўрсатишда ноаниқликлар мавжуд эди. У “Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум” тўпламига бағишланган иккинчи мақоласида асарнинг “Қозилик ҳужжат намуналари”га оид қисмига тўхталиб ўтади. Олим ушбу мақолада тўпламдан ўрин олган 30 та юридик ҳужжати намуналарига эътибор қаратади ва шулардан 6 тасини тўлиқ таржима қилиб, изоҳлайди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, мазкур тўплам мўғуллар даврига қадар Марказий Осиёдаги энг қадимги ҳужжатлар сирасига киради [4: 4].

П.Г.Булгаковнинг раҳбарлиги остида тадқиқотчи Ф.Жабборова “Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум” асари устида бир неча йиллар давомида изланишлар олиб борган. Лекин унинг тадқиқоти якунланмай қолган ва натижалари ҳам эълон қилинмаган. Шу сабабдан, ҳам мазкур тадқиқот билан боғлиқ масалаларни т.ф.д. А.Мўминов ҳам VIII–XIII асрларда Мовароуннаҳр фиқҳ мактабларига оид тадқиқотида “Матлаъ ан-нужум”дан фойдаланган ва уни ушбу ҳудудда фиқҳга доир яратилган қўлланмалар сирасига киритган. А.Мўминов Бурҳон ад-дин ал-Марғинонийнинг (1117–1197) силсиласини тадқиқ қилишда тўпламнинг 162*б* варағига номаълум шахс томонидан ёзиб қолдирилган маълумотлардан ҳам фойдаланганини эслатиб ўтиш мумкин [3: 105, 209, 259]. Тадқиқотчи Д.Раҳимжонов томонидан амалга оширилган Самарқанддаги VIII–XII асрлар ҳадис илми тарихига оид тадқиқотида П.Г.Булгаков мақоласига таянган ҳолда “Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум”га киритилган ҳадис илмига доир 5 мавзуга қисман тўхталади [6: 11–12].

Ш.Зиёдов Абу Мансур ал-Мотуридий (870-944) илмий меросини ўрганишга бағишланган ишида “Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум” ва унинг таркибий қисми бўлган “Ақоид” асари ҳақида қисқача маълумот берган. Шунингдек, олим Абу Ҳафс Насафийнинг

ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган айрим асарлари нусхалари тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтади [2: 109].

“Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум” асарини алоҳида илмий тадқиқотга жалб қилган тадқиқотчи С.Муҳаммадаминов бўлди. У ўзининг номзодлик диссертациясида ушбу нодир қўлёзмани атрофлича тадқиқ этди. Тадқиқотчи ўз ишида Абу Ҳафс Насафий ҳаёти, илмий мероси, олим яшаган даврда Мовароуннаҳрда ислом илмлари тараққиёти, асарнинг кодикологик хусусиятлари, унинг таркиби, мазмуни, асардаги Қуръон, тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом, тасаввуф каби ислом илмларининг таҳлилини батафсил ёритди.

Мазкур диссертация натижаси ўлароқ, “ФА-Ф1-027: Марказий Осиё халқлари ёзма меросини ўрганиш: манбашунослик ва матншунослик тадқиқотлари (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалари асосида)” номли фундаментал гранти доирасида Абу Ҳафс Насафийнинг “Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум” асарининг факсимиле нашри амалга оширилди. Бу нашр кенг илмий жамоатчиликни қимматбаҳо манба билан бевосита танишиш имконини бериш билан бирга кейинги илмий тадқиқотларга йўл очди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аллоқулов А.А. Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари таҳлили / Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) … дисс. автореф. Тошкент, 2018.
2. Зиёдов Ш.Ю. Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг “Китоб ат-таъвилот” асари. Тошкент, 2009.
3. Муминов А.К. Роль и место ханафитских ‘улама’ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII в.) / Дисс. ... докт. ист. наук. Ташкент, 2003.
4. Муҳаммадаминов С.А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум” асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожида тутган ўрни (XI аср охири – XII аср ўрталари) / Тарих фанлари номзоди… дисс. автореф. Тошкент, 2012.
5. Нажм ад-дин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий. “Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум [факсимиле нашр] // Нашрга тайёрловчи, кириш ва кўрсаткичлар муаллифи

С.Муҳаммадаминов. Таҳрир ҳайъати А.Маннонов, Б.Абдуҳалимов, Н.Муҳамедов, С.Каримова. Тошкент, 2015.
6. Рахимджанов Д.А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи ма‘рифат ‘уламо’ Самарқанд” асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба / Тар. фан. номз. ... дисс. Тошкент, 2003.
7. Уватов У. Самарқанд уламолари // Уватов У. Донолардан сабоқлар. Тошкент, 1994. Б. 62-65.
8. Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur: Vol. 2. Weimar-Berlin, 1898–1902.
9. Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. Supplementbände: Vol. 3. Leiden, 1937–1942.
10. Cureton W. Pillar of Creed of the Sunnites. London. 1843.
11. Kavakcı, Yusuf Ziya. XI ve XII. Asırlarda Karahanlılar Devrinde Māvāra’ al-Nahr Islâm Hukukçuları. Ankara, 1976.
12. Wensinck A.J. Al-Nasafī. III. Extract from the Encyclopaedia of Islam CD-ROM Edition v.1.0.

О. Бўриев

Истахрий “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарининг ўзбек тилига таржимаси

Истахрий. “Китаб ал-масалик вал-мамалик” (Хуросон ва Мовароуннаҳр) / Араб тилидан таржима, тадқиқот, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи: Р.Т.Худайберганов. Тошкент, ЎзР ФА “Фан” нашриёти давлат корхонаси, 2019 й. –480 бет.

Ўтмишда араб, форс ва туркий тилларда ёзилган ҳамда бизнинг давримизгача етиб келган ёзма ёдгорликларни ўрганиш, илмий муомалага киритиш масаласи ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Ундаги илм-фан ривожида географик билимларнинг ҳам ўз ўрни бор. IX асрда Марказий Осиё олимларидан Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783–850) Араб халифалигининг пойтахти Бағдодда